

Буюк келажимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қураимиз!

№ 23 (474) 2021 йил 26 март, жума

ЎЗБЕКИСТОН Республикаси

ЎЗБЕКИСТОН BUNYODKORI



UZBUNYODKOR



t.me/uzbunyodkor



uzbunyodkori@uamail.uz

СТРОИТЕЛЬ УЗБЕКИСТАНА

Газета 2016 йил 2 августдан haftaning сешанба ва жума кунлари чиқади.

Қирғизистон Бош вазири Тошкентдаги саноат корхоналари билан танишди

Файрат ХОННАЗАРОВ,
ЎЗА мухбири.

Қирғиз Республикаси Бош вазири Улуғбек Маришов бошчилигидаги делегация 25 март кuni Икки томонлама ҳамкорлик бўйича ҳукуматларо қўшма комиссия йиғилишида иштирок этиш учун мамлакатимизга келди.

Юқори мартабали меҳмонни Ислоҳ Каримов номидаги Тошкент халқаро аэропортида Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Абдулла Арипов кутиб олди.

Қирғизистон ҳукумати раҳбари мамлакатимизга ташрифи доирасида дастлаб Тошкент шаҳридаги "Технопарк" мажмуаси фаолияти билан танишди. Бу ерда умумий қиймати 365 миллион долларлик 17 та лойиҳа амалга оширилмоқда.

Улуғбек Маришовга "Технопарк" даги корхоналарда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар – машиий техника, электрон газ ҳисоблагичлар, лифтлар, сув насослари, саноат кондиционер-

лари ва совутиш тармоқлари ҳақида маълумот берилди.

Шундан сунг Қирғизистон Бош вазири А. Арипов ҳамроҳлигида пойтахтимиздаги "IT Park" мажмуасига ташриф буюрди.

Мазкур дастурий маҳсулотлар ва ахборот технологиялари парки истиқболли стартап-лойиҳаларни ишга тушириш ҳамда ички ва ташқи бозорга чиқаришга ихтисослашган.

Паркнинг асосий вазифаси экспортга йўналтирилган рақобатбардор стартап-эко-тизимлар яратишдан иборат.

Мажмуа қирғизистонлик меҳмонларда катта таассурот қолдирди.

Қирғиз Республикаси ҳукумати делегацияси аъзолари ташриф доирасида Тошкент шаҳридаги "Crafters" қўшма корхонасида ҳам бўлди.

Таъкидлаш жоиз, мазкур қандолатчилик корхонаси ишга туширилганига кўп бўлмаганига қарамай, нафақат ички бозор, балки хорижда ҳам ўз харидорини топиб улгурди. Замонавий ускуналар билан жиҳозланган фабрикада бугунги кунда 150 турдан зиёд қандолат маҳсулотлари тайёрланади.

Корхона ширинликлари Афғонистон, Россия, Корея Республикаси,

Арманистон, Болтиқбўйи давлатлари-га экспорт қилинмоқда.

Шу кuni Қирғиз Республикаси Бош вазири Улуғбек Маришов пойтахтимиздаги замонавий, халқаро талаблар даражасида барпо этилган саноат корхоналарини кўздан кечириш асосида "ARDENT FOODS" (N'MEDOV) МЧЖ, "Gold Moon Tashkent", "Real Teks Tashkent", корхоналари ҳамда "Orient Ceramic" маъсулияти чекланган жамияти фаолияти билан ҳам яқиндан танишди.

Мамлакатимизда кейинги йилларда ишга туширилган саноат корхоналари – замонавий ахборот ва коммуникация технологиялари, озиқ-овқат, тўқимачилик саноати, қурилиш материаллари, заргарлик буюмлари ва бошқа маҳсулотлар ишлаб чиқаришга ихтисослашган завод-фабрикалар Қирғизистон делегациясида қизиқиш уйғотди.

Қирғиз Республикаси делегацияси 26 март кuni Ўзбекистон Республикаси ва Қирғиз Республикаси ўртасида икки томонлама ҳамкорлик бўйича Ҳукуматларо қўшма комиссиянинг навбатдаги йиғилишида иштирок этди.

Ўзбекистон - Қирғизистон Давлат чегарасини делимитация ва демаркация қилиш бўйича Йиғилиш тўғрисида

2021 йил 24-25 март кунлари Тошкент шаҳрида Ўзбекистон Республикаси ва Қирғиз Республикаси ҳукуматлари делегацияларининг Ўзбекистон - Қирғизистон Давлат чегарасини делимитация ва демаркация қилиш бўйича қўшма йиғилиши бўлиб ўтди.

Томонларнинг делегацияларига Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Абдулла Арипов ва Қирғиз Республикаси Давлат миллий хавфсизлик қўмитаси раиси Қамчибек Тошев раҳбарлик қилди.

Ушбу йиғилиш 11-12 март кунлари Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ва Қирғиз Республикаси Президенти Садир Жапаров ўртасида Тошкент шаҳрида бўлиб ўтган саммит якунлари бўйича эришилган келишувларга мувофиқ ташкил этилганлиги таъкидланди.

Музокаралар якунлари бўйича Ўзбекистон - Қирғизистон Давлат чегарасини делимитация ва демаркация қилиш бўйича қўшма йиғилиш тўғрисидаги баёнот имзоланди.

Йиғилиш очиклик, дўстлик ва ҳамжиҳатлик руҳида ўтди.

Ў.А.

Шу куннинг гаплари

Давлат статистика қўмитаси маълумотларига кўра, 2021 йилнинг январь-февраль ойларида Ўзбекистонда жами

10,6 трлн сўмлик қурилиш ишлари бажарилган. 2020 йилнинг мос даврига нисбатан ўсиш суръати

100,4 фоизни ташкил этди.

Сирдарё вилоятида "Ёшлар дафтари"га киритилганлар

23 067 нафарни ташкил қилади. 2021 йилда

7 972 нафарнинг бандлиги таъминланиб,

5 385 нафарига эса

2 730,5 гектар ер майдони ажратилди.

Андижонда янги ишга туширилган корхоналар ҳисобиغا

2 175,1 млрд сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилди.

Бу – саноат маҳсулотлари улушида

27,4 фоизга тенгдир.

Самарқанд туманидаги Гулобод маҳалласида жойлашган 38-мактабнинг 740 ўринли янги биноси фойдаланишга топширилди. Қурилиш-таъмирлаш ишлари

2 млрд 480 млн сўм маблағ сарфланган.

“ОБОД ҚИШЛОҚ” ВА “ОБОД МАҲАЛЛА” ДАСТУРЛАРИ ДОИРАСИДА ЖОРИЙ ЙИЛДА АМАЛГА ОШИРИЛАДИГАН ИШЛАР

2 721 та маҳаллада

10 000 км дан ортиқ



ички йўллارни таъмирдан ўтказиш

4 000 км дан ортиқ



ичимлик суви тармоғи тортиш

3 трлн сўм



бу ишлар учун ажратилди

5 377 та маҳаллада

15 000 км



электр узатиш тармоқлари ўрнатиш

4 000 дан ортиқ



трансформаторни янгилаш

2,1 трлн сўм



бу ишлар учун ажратилди

“Обод қишлоқ” дастури доирасида

379 та



мактаб

171 та



мактабгача таълим

57 та



мактаб

37 та



мактабгача таълим

161 та



тиббиёт

муассасаларида қуриш-таъмирлаш ишлари олиб борилади

15 та



тиббиёт

муассасаларида қуриш-таъмирлаш ишлари олиб борилади

“Темир дафтар”га киритилган

300 минг нафар аҳолини камбағалликдан чиқариш



500 минг



ёшларни

200 минг



аёлларни

иш билан таъминлаш



Жаҳон банки ва Осиё инфратузилмавий инвестициялар банки билан бирга, “Қишлоқ инфратузилмасини ривожлантириш” лойиҳаси доирасида Фарғона, Андижон, Наманган, Сирдарё ва Жиззах вилоятларидаги 21 та туман, 60 та қишлоқда 485 млрд сўмлик лойиҳалар бошланади.

Бош вазир ўринбосарлари, Савдо-саноат палатаси раиси ва Бизнес-омбудсманга тадбиркорлар билан мунтазам учрашувлар ўтказиб, муаммоларини ҳал қилиб бориш юзасидан топшириқлар берилди

Соғлиқни сақлаш вазирлигига “Обод қишлоқ” ва “Обод маҳалла” дастурларига кирган аҳоли пунктларининг “тиббий харитаси”ни шакллантириш вазифаси кўйилди

Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлигига ички йўллар, йўлақлар, ижтимоий объектлар ва кўп қаватли уй-жойларнинг эксплуатация тизимини яхшилаш бўйича топшириқ берилди.

Сектор раҳбарлари ўз ҳудудида бажарилаётган ишлар бўйича маҳаллий кенгашларда ҳамда оммавий ахборот воситалари орқали аҳолига ҳисобот бериши зарурлиги айтилди.

Ер усти метросининг 2-босқичида ишлар қизғин

Наргиза ХАЙРУЛЛАЕВА,
"O'zbekiston bunyodkori" мухбири.

"Ўзбекистон темир йўллари" АЖ тасарруфидаги "Кўприкқурилиш" трести унитар корхонаси томонидан ер усти ҳалқа метро линиясининг 2-босқичида 15 километрлик "Кўйлик-Қипчоқ-Янгиҳаёт" участкасидаги қурилиш ишлари жадаллик билан давом эттирилмоқда.



– Метро йўлининг 2-босқичи "Кўйлик" бозоридан Миробод ҳамда Сергели туманидан ўтган Катта ҳалқа йўли, Тошкент вилоятининг Зангиота туманидаги "Хонобод" кўчаси ҳамда Сергели туманининг "Қипчоқ" кўчасидан ўтиб, 5-бекатга уланади, – деди "Ўзбекистон темир йўллари" АЖ бош



муҳандиси Зафар Маҳаматов. – Умумий узунликка эга ушбу участкада 9 та бекат қуриш режалаштирилган. Бугунги кунда лойиҳадаги режага кўра, 538 та устундан 25 таси ўрнатилди, уларга босқичма-босқич ригеллар монтаж қилинмоқда. Ушбу участкада лойиҳа бўйича 3 228 та балка ўрнатиш белгиланган бўлса, ҳозирда 129 таси ўрнатилди. Кўйлик худудидан Катта ҳалқа йўлидаги 600 метр йўналиш бўйлаб пойдевор, устун ҳамда ригеллар ва уларга 26 метрлик балкалар ўрнатилиб, бетон ишлари тугатилди. – Мазкур қурилиш ишларига 150 дан ортиқ техника, машина ва механизмлар ҳамда 3 500 нафарга яқин малакали муҳандис, ишчи-ҳодим жалб қилинган, – деди суҳбатдошимиз. – Шунингдек, қурилиш техникалари ва автотранспорт воситаларини сақлаш ҳамда уларни таъмирлаш учун 2 та база ташкил этилган бўлиб, қурилишда бажарилаётган ишлар "Ўздавтемирйўлназорат" инспекцияси мутахассислари томонидан мунтазам равишда назорат қилиб борилмоқда. Қурилиш ишлари олиб борилаётган участка йўлида муҳандислик коммуникацияларини бошқа худудларга кўчириш ва уларни тармоқларга улаш, йўл-транспорт инфратузилмалари ва автомобиль йўлларини қуриш ишлари ҳам амалга ошириляпти. Айтиш жоизки, метронинг "Кўйлик-Қипчоқ-Янгиҳаёт" участкаси фойдаланишга топширилган, бир кунда 46 минг йўловчига хизмат кўрсатилиши кўзда тутилган. Тошкент ҳалқа ер усти метрополитенининг умумий узунлиги 54,8 километр бўлади ва Ўзбекистон, Сергели, Чилонзор ҳамда Юнусобод йўналишларига уланади. Янги линиялар ишга тушиши билан 700 га яқин иш ўрни яратилади.

Матбуот анжуманлари

Қишлоқ ва маҳаллалар обод бўлади

Ислом ИБОДУЛЛА,
"O'zbekiston bunyodkori" мухбири.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида Президентимизнинг "Обод қишлоқ" ва "Обод маҳалла" дастурларини жорий йилда амалга ошириш масалаларига бағишланган видеоселектор йиғилиши юзасидан матбуот анжумани бўлиб ўтди.

Дастурга биноан "Обод қишлоқ" дастури доирасида 379 та мактаб, 171 та мактабгача таълим муассасаси, 161 та тиббиёт муассасаларида қурилиш-таъмирлаш ишлари бошланса, "Обод маҳалла" дастури доирасида эса 57 та мактаб, 37 та мактабгача таълим муассасаси ва 15 та тиббиёт муассасаларида қурилиш-таъмирлаш ишлари олиб борилади. Шунингдек, 2 721 та маҳаллада 10 минг километрдан ортиқ ички йўлларни таъмирлаш ва 4 минг

километрдан ортиқ ичимлик сув тармоғини тортиш ишларига 3 трлн километр электр узатиш тармоқлари ўрнатиш, 4 мингдан ортиқ трансформаторларни аниқлаш ишлари учун 2,1 трлн сўм ажратилади. "Темир дастур"га киритилган 300 минг нафар аҳолини камбағалликдан чиқариш, 500 минг нафар ёшлар қатлами ва 200 минг нафар хотин-қизлар эса билан таъминланади. – Дастур доирасида Қурилиш вазирлиги маҳалла ва қишлоқларнинг лойиҳа-схемаларини шакллантиради, – деди анжуманда Қурилиш вазирлиги бошқарма бошлиғи Даврон Мелиев. – Ушбу лойиҳалар тегишли ҳокимликлар билан келишилган ҳолда амалга оширилади. Жойларда қишлоқ ва маҳаллалар танлаб олинган, мазкур ишга лойиҳа институтлари жалб қилинади. Худудларда дастурга киритилган қишлоқ ва маҳаллаларнинг танлаш халқ вакиллари ва ҳокимликлар билан аниқлашган ҳолда амалга оширилиши белгиланиб, ишларнинг сифати ҳамда шаффофлигини текшириб бориш вазифаси тегишли вазирлик ва идораларга юклатилади.

Маҳалла янги қиёфада

Умида МУРОДХОНОВА.

21 та маҳаллани ўзда жамлаган Яққасарой туманидаги янгилашлар кишини мамнун қилади. Буни Муҳандислар маҳалласи мисолида ҳам кўриш мумкин.

– Муҳандислар маҳалласида тугилиб ўсганман, – дейди маҳалла раиси Акмал Султонов. – Бу ерда 3 мингга яқин аҳоли истиқомат қилади. Утган даврда худуддаги эски уйлар бузилиб, улкан қурилиш

ишлари амалга оширилди. "Golden house" компанияси томонидан бузилган 11 та уйлардаги хонадон соҳибларига барча шароитларга эга квартиралар бепул берилди. Бугунги кунда худудда яна 6 та объектда қурилиш ишлари амалга оширилмоқда. Дарҳақиқат, тумanning Бобур ва Нукус кўчалари кесимида "Ўзбеги" турар жой мажмуасида ишлар жадал суратларда борапти. Объект 2024 йилда фойдаланишга топширилиши мўлжалланган. Шунингдек, "ZARAFSHON CITY QURILISH" МЧЖ қурилиш компанияси томонидан 12-15 қаватли турар жойлар, савдо мажмуаси ҳамда меҳмонхона барпо этиш ишлари ҳам давом этапти. "City Lyfe"

қурилиш компанияси эса 68 хонадонли 2 та уйни Наврўз байрами кунлари фойдаланишга топширишни режалаштирган. – Авваллари маҳалламизнинг алоҳида идораси бўлмаган, – дея таъкидлайди оқсоқол. – Шота Рус-тавели кўчасидаги бўш майдонда "Duran Petroleum" МЧЖнинг ҳоимлик маблаглари асосида маҳалла идорасининг янги биносини қуриш бошланган эди. Бино 5 қаватдан иборат бўлиб, 1-қавати ва қўшимча тарздаги ертўла маҳалла фаолларига ажратилган. Янги бино барча қулайликларга эга. Унинг Наврўз байрами арафасида фойдаланишга топширилиши эса маҳалламиз аҳлига муносиб совға бўлди.

Ўпотека кредитлари: имкониятлар кенгайди

Наргиза ХАЙРУЛЛАЕВА,
"O'zbekiston bunyodkori" мухбири.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида Қурилиш вазирлиги бошқарма бошлиғи Шерзод Содиқов иштирокида брифинг ташкил этилди. Унда "Бозор имотийллари асосланган ипотека кредитларини ажратиш орқали аҳолини уй-жой билан таъминлашга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Президент Фармонида белгиланган вазифалар юзасидан маълумот берилди.

мой турар жой билан таъминлаш учун қишлоқларда 8 336 та, "Қишлоқ қурилиш инвест", шаҳарларда эса 3 550 та объектлар "Ўзшаҳар қурилиш инвест" иштирокида қад кўтарилди. Фармонга кўра, ижтимоий-иқтисодий ва бозор инфратузилма объектларига ҳам алоҳида эътибор қаратилади. Тижорат банклари, тадбиркорлик субъектлари Инжиниринг компаниялари билан "техник буюртма" функцияси ни амалга ошириш бўйича шартнома тузади.

Кўп квартиралы уй-жойлар қишлоқ жойларда 5 ва ундан юқори қаватли, шаҳарларда 9 ва ундан юқори қаватли, монолит темир-бетон ва лирик панелли конструкциялар ҳамда бошқа қурилиш материаллари асосида, массив шаклида қурилади. Шаҳарларда кўп квартиралы уй-жойлар қуриш учун ер участкаларини Е-І-RO аукцион ташуулири ва зарур ҳолларда маҳаллий бюджет ҳамда бошқа маблағлар ҳисобидан, қишлоқларда эса республика бюджет маблағлари ҳисобидан молиялаштирилади. Қурилатган уй-жойларга туташ худудларни ободонлаштириш ишлари ҳокимликлар томонидан маҳаллий бюджет ҳисобидан амалга оширилади.

Шунингдек, тадбирда Қурилиш вазирлиги томонидан уйларнинг сифатли ва мақбул нархларда бўлиши учун 7 хил намунадаги энергетика-жамкор лойиҳалар ишлаб чиқилган ҳам таъкидланди. Улар вазирлик веб-сайтида ҳам жойлаштирилди ва доимий янгилаб борилади. Хорижий мутахассислар иштирокида муаллифлик ва техник назорат ҳам тизимли амалга оширилади. 2021 йил 15 мартдан бошлаб тижорат банкларига ўз ресурслари ҳисобидан улшдор – жисмоний уй-жойлар берилган ипотека кредитлари Молия вазирлиги томонидан тижорат банкларига ажратилган маблағлар ҳисобидан қайта молиялаштиришга рўхсат берилди. Бу эса уй-жойлар таннари сунъий равишда ошиб кетишининг олдини олади.

Дарёободликлар энди дарё сувини ичмайди

Шухрат НОРМУРДОВ,
жамоатчи мухбиримиз.

Ер юзидаги 1,5 миллиарддан ортиқ аҳоли тоза ичимлик сувига муҳтож, 2 млрд 300 млн дан ортиқ одам эса санитария талабларига жавоб бермайдиган оби ҳаётдан истеъмол қилишга мажбур. Шу рақамларнинг ўзи ҳам табиатнинг бебаҳо неъматини – сувдан оқилона фойдаланишга ундайди. Аср муаммосига айланиб бораётган сув танқислигининг олдини олиш ҳамда аҳолини тоза ичимлик сув билан таъминлаш мақсадида республикамизда тизимли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Қизилқум саҳриси бағрида жойлашган Навоий олим тамаддунга эга навқирон вилоят ҳисобланади. Бепоеён саҳро бағрида томчи сув қадри асрлардан сўзловчи Сардоба-ю, Нурота қоризларида намоеён бўлади. Вилоятда мукаммал лойиҳа асосида қурилиб, фойдаланилаётган Дамхўжа-Навоий-Бухоро сув узати тармоғи воҳанинг қон томирига менгзалса, юзлаб қаққирим масофага улкан қувурлар орқали оқиб келаятган табиатнинг бебаҳо неъматини минглаб хонадонга келаятган ҳаёт десақ, муболаға бўлмас.

Кейинги йилларда соҳага йўналтирилган инвестиция ва "Обод қишлоқ" дастури асосида 155 минг нафар аҳоли тоза ичимлик сувидан баҳраманд бўлган. Жумладан, 9 та туманда 147 километр сув қувури тортилиб, 9 та сув иншооти қурилган, 6 та тумандаги 11 объектда ва 80 километр масофада сув қувурлари тортилди. Шу даврда Хатирчи туманидаги Дарёобод қишлоғи аҳолисининг ҳам ораси амалга ошди.

– Авваллари сувни олишдан ташиб келиб ёки ёнимиздаги дарёдан олиб ичардик, – дейди нуруний отахон Қуронбой Абдураимов. – Худудимизга инвестиция дастури асосида тоза ичимлик суви тармоғи тортилиб, азалий орзумимиз амалга ошди. Дарёободликлар энди дарё сувини ичмайдиغان бўлди.

Жорий йилда ҳам республика бюджетни маблағлари ҳисобидан лимит доирасида вилоятда 42,2 млрд сўм бўлган ичимлик ва оқвава сув объектларини янгидан қуриш, реконструкция қилиш юзасидан манзил-ли шакллантирилган.

– Дастур доирасида вилоятимизда 1 та ичимлик сув иншоотини янгидан қуриш, 8 тасини реконструкция қилиш, 189,9 километр янги тармоқлар тортиш ва 31,5 километр таъмирталаб ичимлик сув тармоқларини реконструкция қилиш ишлари кўзда тутилган. Натижада 53 минг нафардан ортиқ аҳоли илк бор тоза ичимлик суви билан таъминланиши ҳамда 42 799 нафарнинг мавжуд ичимлик суви таъминоти яхшиланиши режалаштирилмоқда, – деди биз билан суҳбатда "Навоий сув таъминот" МЧЖ ахборот хизмати раҳбари Бахтбек Қизилбоев.

Бунёдкорларнинг байрам тухфаси

Нурбек АБДУЛЛАЕВ,
"O'zbekiston bunyodkori" мухбири.

Наврўз айёми кунлари кўплаб ишлаб чиқариш ва маданий-маиший бинолар фойдаланишга топширилди.



Масалан, Наманган шаҳридаги "Даштбоб" кичик саноат зонасида бир йўла иккита замонавий корхона фаолият бошлади. Улардан бири "Наврўз текстил саноат" деб номланди. Бу ерда эркаклар, аёллар ва болалар учун кийим-кечаклар тайёрланади. Маҳсулотнинг ярами хорижий мамлакатларга экспорт қилинади. "Азиз дизайн сервис" МЧЖ барпо этган корхонада эса чарм буюмлари – сумка, жомадон, папка ва бошқалар тайёрланади.

Ишга туширилган қишлоқ жойларидаги саноат корхоналари ҳақида алоҳида тўхталиш зарур. Наманган туманидаги "Наммоторсервис" МЧЖ томонидан қуриб битказилган завод маҳсулотнинг дастлабки туркуминини истеъмолчиларга жўнади. Бу ерда электр двигателлари ишлаб чиқариш ўзлаштирилди. Амалга оширилган лойиҳанинг умумий қиймати 20,1 миллиард сўмни ташкил этади.

Мингбулоқ туманида саноатлашган усулда қишлоқ ҳўжалик маҳсулотлари етиштиришни йўлга қўйишга катта эътибор қаратилмоқда. Жанубий корейлик ҳамкорлар билан биргаликда ишга туширилган иссиқхона бунга мисолдир.

– Наврўз байрами кунлари 47 та янги объект ишга туширилди, – дейди вилоят қурилиш бош бошқармаси бошлиғининг ўринбосари Акрамжон Охунов. –

Чортоқ туманида сузиш ҳавзаси, Поп туманида 31-умумтаълим мактабининг янги ўқув биноси, Турақўрғоннинг "Чуст кўприк" маҳалласида 50 хонадонли кўп қаватли турар жой биноси, шу тумандаги "Поросон" МФЙда маҳалла фаоллари учун давлат-хусусий шерикчилик тамойили асосидаги янги бино, Чуст туманидаги Варзқ қишлоғида Маданият марказининг фойдаланишга топширилгани вилоят аҳлига байрам совғаси бўлди.

Тошлоқликларга Наврўз совғаси

Зайлобиддин ЙИГИТЛИЕВ,
"O'zbekiston bunyodkori" мухбири.

Байрамлар арафасида аҳолига замонавий ва кўркам турар жойлар, корхона ҳамда ташиқотларнинг ишчи-хизматчилар учун эса қулай меҳнат шароити яратилган биноларни фойдаланишга топшириши анъанага айланган.

Фарғона вилоятининг барча туман ва шаҳарларида ҳам Наврўз байрами кунлари 140 дан зиёд объектлар аҳолига тухфа этилди. Жумладан, Тошлоқ туманидаги кичик саноат зонаси худудида барпо этилган "Фарғона нефть маҳсулотлари" МЧЖнинг биринчи босқичи ишга туширилиши жамоа учун кўшалоқ байрамга айланди.

Корхонада экстра бензин, автомобиллар учун ҳамда уч турдаги дизел ёқилғиси, керосин, мазут каби нефть маҳсулотлари ишлаб чиқарилади. Айни пайтда 120 тонна нефть ва газ конденсатлари қайта ишланиб, харидоргир маҳсулотлар тайёрланмоқда. Шунингдек, бу ерда кокс маҳсулоти ишлаб чиқариш ҳам йўлга қўйилган.

– Янги ускуна ёрдамида бир суткада 150 тонна нефть хом ашёси ҳамда 250 тонна газоконденсатни қайта ишлаш қувватига эга бўлинди, – деди "Фарғона нефть маҳсулотлари" МЧЖ ишлаб чиқариш технологияси Фозилжон Икромов. – Бу йил яна бир лойиҳанинг ишга туширилиши режалаштирилган.

Ҳозирги кунда Андижондан петрол, Қашқадарь вилояти ва Туркменистондан газоконденсат олиб келиниб, хом ашё билан ишланяпти. Бундан ташқари, худудимизда хом ашёни қабул қилиш ва тайёр маҳсулотларни олиб чиқиш кетиш мақсадида темир йўли ишга туширилди.

Тумандаги 37 ва 38-сонли қишлоқ оилавий поликлиникалари ҳамда кўп тармоқли болалар поликлиникасида ҳам қурилиш-таъмирлаш ишларини амалга ошириш учун 10 миллиард сўм маблағ ажратилиб, байрам арафасида ушбу саломатлик марказлари дастлабки беморларни қабул қилди. Малакали шифокорлар замонавий тиббий анжомлар ва лаборатория жиҳозлари ёрдамида муолажаларни бошлаб юборишди.

Бундан ташқари, марказий поликлиника, Тез тиббий ёрдам бўлими, "Ғайрат", "Жўрак" ва "Файзиобод" МФЙлари худудларидаги оилавий поликлиникалар ҳам мукаммал таъмирдан чиқарилди.



Суратда: кўп тармоқли марказий поликлиниканинг болалар бўлими бошлиғи Тоҳиржон Маматқўлов ва ҳаммаслари. Муаллиф олган сурат.

Маҳаллаларда байрам тадбирлари давом этмоқда



Суратларда: тадбирлардан лавҳалар. Жамшид ЁРБЕКОВ (УзА) олган суратлар.

Маҳаллаларда миллий кадриятларни мустаҳкамлаш ҳафталиги бўлиб ўтаётган шу кунларда Ғаллаорол тумани марказида Нурунийлар маскани фойдаланишга топширилди.

Замонавий талабар асосида қурилган, дам олиш хонаси, ошхона, кутубхона ва машғулот залларига эга ушбу маскан 500 га яқин

нурунийларнинг мароқли ҳордиқ чиқаришига хизмат қилади.

– Биз, кексалар зерикканда йиғилиб, гурунг қиладиган жойимиз йўқ эди, – дейди 87 ёшни қаршилаган Салоҳиддин ота Назаров. – Биз учун қурилган бу масканда соғлигимизни мустаҳкамлаш учун машғулот хонаси борлиги мени қувонтирди. Чунки шу ёшга кирган бўлсам-да, спорт билан мунтазам шуғулланаман. Шунинг учун ҳам бардамман.

Нурунийлар маскани фойдаланишга топширилгани муносабати билан ўтказилган тадбир “Сарбазар” маҳалла фуқаролар йиғинидаги Қўрғонтепа тепалигида “Йил боши” (Дарвешона ҳам дейишади) сайлига улашиб кетди. Сайилда дорбоз, кураш миллий ўйинлари ҳам ташкил этилди. – Маҳалламизда 32 йилдан бундан ушбу тепаликда Наврўз айёми нишонлаб келамиз, – дейди маҳалла оқсоқоли Бахтиёр Акрамов. – Бун-

дай тадбирларнинг юқори савияда ўтиши маҳалламиз одамларининг аҳиллиги билан боғлиқ. Шунингдек, Жиззах вилоятининг яна бир гўзал гўшаси – Фориш туманидаги Ўзбекистон ҳамда “Богдон” маҳалла фуқаролар йиғинларининг янги, барча қулайликларга эга замонавий бинолари ҳам фойдаланишга топширилди. Ҳафталик доирасидаги тадбирлар шаҳар ва туманларда давом этмоқда.

“Қорасув”да ишлар авжида

Ҳамза ШУКУРОВ,
“O‘zbekiston bunyodkori” мухбири.

Самарқанд шаҳрининг 100 минг киши истиқомат қиладиган йўлдош шаҳарча – “Қорасув” массивида бунёдкорлик ишлари авж олмоқда.

Қисқа муддат ичида бу манзилда 77 та 5, 7 ва 9 қаватли, 47 та 12, 14 ва 16 қаватли уйлар қурилиб фойдаланишга топширилди. Айни пайтда 4 та 25 қаватли ҳамда 16 ва 18 қаватли бинолар жадал суръатда барпо этилаётир.

– Айтиш жоизки, бу массив ҳақиқий шаҳар мақомига эга бўлмоқда, – дейди вилоят ҳокимлигининг “Ягона буюртмачи” инжиниринг компанияси бош муҳандиси Суръат Қурбонов. – Жумладан, 2 та мактаб, 3 та мактабгача таълим ташкилоти, кўплаб савдо ва инфратузилма объектлари – янги маҳалла гузари, оилавий поликлиника, спорт майдончаси, 42 гектарлик маданият ва истироҳат боғи, ЛТ-парк, масжид каби иншоотларнинг қурилиши қизғин тус олган.

Кўркам аҳоли пункти ҳуснига ярашиб тушган республика шохилинч тиббий илмий-амалий маркази Самарқанд филиалининг янги биноси қурилиши ҳақида ҳам гапириш мумкин. Пудратчи ташкилот – “Шоҳруҳжон сервис” хусусий корхонаси ишчилари “Самтибллойҳа” МЧЖ лойиҳаси асосида барпо қиладиган тиббиёт муассасаси ҳар тарафлама мукамаллиги билан ажралиб туради. Иншоот инвестиция дастурига мувофиқ 83 миллион сўм маблағ эвазига қад ростламоқда.

– Корхона муассиси Равшан Фозиловнинг сая-ҳаракати фаолиятимизда қўл келяпти, – деди директор Элдор Худойкулов. – Қолаверса, бинокорларга етарли шароитлар яратилгани ҳам ютуклар омили бўлмоқда.

Шаҳар қиёфаси тубдан янгиланяпти

Вилоят ҳокими Хайрулло Бозоров Фарғона шаҳридаги Корея халқаро университетининг фаолиятини ташкил этиш билан боғлиқ жараёнларни кўздан кечирди. Мулоқот давомида олий таълим муассасаси стадиони талаба жавоб бермаслиги маълум бўлди. Уни қайтадан реконструкция қилиш, замонавий кўринишга келтириш ҳамда талабалар шуғулланишлари учун қулай шароит яратиш юзасидан масъуллар иштирокида келишиб олинди.

Кейинги манзилда шаҳарнинг Университет кўчасидаги 4-сонли мусиқа ва санъат мактаби фаолияти билан боғлиқ масала кўрилди. Сабаби, ушбу муассаса биноларидан ҳозирда ихтисослаштирилган мақом мактаб-интернати ҳам фойдаланмоқда. Икки таълим масканининг бир жойда бўлиши бир қатор ноқулайликларни келтириб чиқаряпти. Шу боис 4-сонли мусиқа



ва санъат мактаби жамоасини шаҳарнинг Додхоҳ кўчасидаги 1-сонли мусиқа ва санъат мактабига кўчириш белгиланди.

Юксалиш ва Сайилгоҳ кўчалари кесилишида истироҳат боғига кириш йўлаги бор. Вилоят ҳокимининг ўрганиши шу ерда давом этди ва шаҳар ҳокимига йўлакни кенгайтириш, рамзий дарвоза қўйиш, уни кўркам қиёфага келтириш бўйича тавсия ва кўрсатмаларини айтиб ўтди. 17 гектардан зиёд ҳудудни эгаллаган Аҳ-

мад Фарғоний номидаги истироҳат боғи ҳамда унинг ёнидаги Каштанзор кўчаси кўренишини тубдан янгилаш бўйича ўз тақлифларини билдирди. Президентимизнинг Фарғона вилоятига ташрифидан сўнг бунёдкорлик ишлари бошланган “Шодина” МФЙ даги жараёнлар билан ҳам танишиб, шаҳар ҳокими ва тегишли мутасаддиларга ишларни тез ва сифатли яқунлаш зарурлигини таъкидлади.

Ўз мухбиримиз.

Йўллар равон бўлади

Бухоро шаҳрида амалга оширилаётган бунёдкорлик ишлари доирасида 4Р 91Д автомобиль йўлининг 0-3 километр қисмида тўлиқ таъмирлаш ишлари олиб борилмоқда.

Мазкур йўлда, шунингдек, пидедалар ўтиш жойларига қолип плиталар ётқизилмоқда, велосипедлар учун мўлжалланган йўлларга ҳошиялар чизилиши жараёнлари бормоқда. Қарама-қарши йўл ўқида тунги ёритиш устунлари ўрнатилиб, электр симларни улаш ишлари давом этмоқда. Ёгингарчилик кунларда суварлари йўлдан, қочириб учин янги қувурлар ўрнатиб бўлинди. Йўл ёнларида автомобиллар вақтинча тўхта туриш 4 метрли майдонларда муҳандислик ишлари якунига етказилмоқда.

Таъмирлаш ишларига “Ромитан йўллардан мунтазам фойдаланиш” унитар корхонасининг 50 дан зиёд муҳандис, ишчи-ҳодимлари билан бирга асфальт ётқизувчи, сув пурақаб борувчи катта юк техникалари жалб этилган.



Суратларда: таъмирлаш ишларидан лавҳалар. Тоҳир ИСТАТОВ (УзА) олган суратлар.

“CAPITAL TRUST INVEST” МЧЖ

бошланғич нархи босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очик аукцион савдосига таклиф этади!

2021 йил 26 апрель куни соат 11.00 дан бошлаб бўлиб ўтадиган очик аукцион савдосига “Асакабанк” акциядорлик жамияти Шайхонтоҳур филиалининг 23.03.2021 йил 23 мартдаги 07/1329-сонли буюртманомасига асосан жамият тасарруфиди бўлган Тошкент шаҳри, Сергели тумани, Сергели 8А мавзесида жойлашган умумий қурилиш ости майдони – 231 квадрат метр ҳамда умумий фойдали майдони – 434 квадрат метрдан иборат бўлган 2 қаватли савдо дўкон биноси қўйилмоқда. Бошланғич баҳоси – 2 595 592 283 сўм 20 тийин. Мулкнинг бошланғич баҳоси ҚҚСни инобатга олган ҳолда кўрсатилган.

Юқоридаги кўчмас мулк 2021 йил 26 апрель кунги савдода сотилмаган тақдирда, такрорий савдолар 2021 йил 11, 26 май ҳамда 10, 25 июнь кунлари соат 11.00 дан бошлаб бўлиб ўтади.

Юқоридаги кўчмас мулк билан буюртмачи ташкилот вакиллари иштирокида бевосита манзилга чиқиб танишиш мумкин.

Аукцион савдосига қатнашиш истакни билдирган талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закат келишувига асосан кўчмас мулк бошланғич нархининг 15 фоиздан кам бўлмаган миқдорда закат пулини тўланганини тасдиқловчи ҳужжат билан бирга қуйидаги ҳужжатларни тақдим қилишлари шарт:

– юридик шахслар – давлат рўйхатидан ўтказилгани тўғрисида гувоҳнома нусхаси, ваколатли вакил учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда

расмийлаштирилган ишончнома, унинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжат нусхаси илова қилинган ҳолда;

– жисмоний шахслар – паспорт нусхаси, ваколатли вакил қатнашган тақдирда, ваколатли вакил учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган ишончнома, унинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжат нусхаси илова қилинган ҳолда.

Аукцион савдосида иштирок этувчи талабгорлардан буюртманомаларни қабул қилиш расмий иш кунларида (шанба, якшанба ва байрам кунларидан ташқари) соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади. Талабгорлардан буюртмаларни қабул қилиш савдо ўтказиладиган санадан бир иш кунин олдин соат 16.00 да тўхтатилади.

Савдо ғолибига аукцион савдоси натижалари бўйича ғолибик баённомаси имзоланган санадан бошлаб 10 кун ичида сотувчи билан олди-сотди шартномаси имзолаш мажбурияти юклатилади. Аукцион савдоси натижаларига асосан ғолиб харидор савдо ташкилотчисига мулк сотув қийматидан 0,5 фоиз миқдорда тўлов тўлаш мажбуриятини олади. Закалат пулини тўлаш учун реkvизитлар: “CAPITAL TRUST INVEST” МЧЖ АТ “Xalqbank” Тошкент шаҳар филиали амалиёт бўлими х/р 2020 8000 1007 5716 6001 МФО 01132 СТИР 304 802 952. Манзил: Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Истикбол кўчаси, 34-уй.

Телефон: 71-236-25-53.
Веб-сайт: www.capitaltrust.uz
Хизматлар лицензияланган.
RR-0298-сонли лицензия.

“Respublika mulk markazi” МЧЖ

бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очик аукцион савдосига таклиф этади!

Аукцион савдосига O‘zbekiston Respublikasi Gidrometeorologiya xizmati markazi “O‘zgidromet”га тегишли Тошкент шаҳри, Юнусobod тумани, Бодомзор йўли кўчаси, 72-уй манзилида сақланаётган қуйидаги автотранспорт воситалари қўйилмоқда:

1. 1983 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 01 297 АСА бўлган “УАЗ-452А” русумли автомашина. Бошланғич баҳоси – 2 176 908 сўм.

2. 1985 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 01 118 ЛВА бўлган “УАЗ-452А” русумли автошина. Бошланғич баҳоси – 2 223 823 сўм.

3. 1989 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 01 128 ЛВА бўлган “УАЗ-2206” русумли автошина. Бошланғич баҳоси – 2 200 366 сўм.

Аукцион савдоси 2021 йил 26 апрель куни соат 11.00 дан бошлаб ўтказилади.

Аризалар расмий иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (13.00 дан 14.00 гача тушлик). Аризаларни қабул қилишнинг охири мuddати: 2021 йил 23 апрель куни соат 16.00 гача.

Юқоридаги автотранспорт воситалари 2021 йил 26 апрель куни сотилмаган тақдирда, такрорий савдолар 2021 йил

10, 24 май куни соат 11.00 дан бошлаб ўтказилади.

Такрорий савдолар учун аризаларни қабул қилишнинг охири мuddати: 2021 йил 7 май ва 21 май кунлари соат 16.00 гача.

Савдо ғолиби деб топилган шахсга 10 кун ичида сотувчи билан олди-сотди шартномаси тузиш мажбурияти юклатилади. Савдода иштирок этиш учун иштирокчилар томонидан ариза, закат пули тўлангани ҳақидаги тўлов ҳужжати нусхаси, вакиллар учун ишончнома ҳамда консалтинг хизмати учун энг кам иш ҳақининг 2 баробари миқдорда тўлов амалга оширилади.

Талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закат келишувига асосан мулк бошланғич баҳосининг 15 фоиздан кам бўлмаган миқдорда закат пулини “RMM” МЧЖнинг қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 2260 4000 2005 7145 2001 ХАТБ “Давр банк” Олмасор филиали МФО 01121 СТИР 200 933 850.

Аризаларни қабул қилиш ва савдо ўтказиш манзили: Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, Ҳамид Олимжон кўчаси, 13-“А” уй.
Тел.: 71-237-23-86.
001805 рақамли гувоҳнома.

“Qoraqalpoq mulk markazi” МЧЖ

бошланғич баҳоси ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очик аукцион савдосига таклиф этади!

Аукцион савдосига “Қорақалпоқ ҳудудий электр тармоқлари корхонаси” АЖнинг 2021 йил 23 мартдаги ЖК-01-16/899-сонли алоқа хатига асосан Қорақалпоғистон Республикаси, Нукус шаҳри, Хўжайли гузари кўчаси, рақамсиз уйда сақланаётган қуйидаги автотранспорт воситаси қўйилмоқда:

2004 йили ишлаб чиқарилган, давлат рақами 95 336 НАА бўлган “Дамас” русумли автомашина. Бошланғич баҳоси – 7 175 200 сўм.

Аукцион савдоси 2021 йил 26 апрель куни соат 11.00 да Нукус шаҳри, А. Шамуратова кўчаси, 117-«Б» манзилида жойлашган “Qoraqalpoq mulk markazi” МЧЖ биносидида ўтказилади.

Аризаларни қабул қилишнинг охири мuddати: аукцион савдосидан бир кун олдин тўхтатилади.

Юқоридида қайд қилинган автомашина 2021 йил 26 апрель куни сотилмаган тақдирда, такрорий аукцион савдоси 2021 йил 11 май куни соат 11.00 дан бошлаб кўрсатилган манзилда бўлиб ўтишини олдиндан маълум қиламиз.

Савдо ғолиби деб топилган шахсга 20 иш кунин ичида сотувчи билан олди-сотди шартномаси тузиш мажбурияти юклатилади. Савдога қўйилган автотранспорт воситаси билан шанба ва якшанбадан ташқари кунлари бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин.

Аукцион савдосида иштирок этиш истагидаги талабгорлардан аризаларни расмий иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (13.00 дан 14.00 гача тушлик вақти).

Савдода қатнашиш учун талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоиздан кам бўлмаган миқдорда закат пулини савдо ташкилотчиси “Qoraqalpoq mulk markazi” МЧЖнинг қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 2020 8000 2049 4201 6001 АТ “Туронбанк” Нукус филиали МФО 00585 СТИР 302 129 374 ОКОНХ 84200.

Аукцион савдоси ўтказиладиган манзил: Нукус шаҳри, А. Шамуратова кўчаси, 117-«Б» уй.
Тел.: 61-222-84-44.
Расмий сайтими: www.mmm.uz
9506 рақамли гувоҳнома.

Тузатиш

“O‘zbekiston bunyodkori” газетасининг 2021 йил 5 март 17-18 (468-469)-сонидида чоп этилган очик аукцион савдо эълонида:

“Ешлар овози” таҳририяти” МЧЖ автотранспорт воситаси 2018 йилда

ишлаб чиқарилган, давлат рақами 01 375 ZBA бўлган “Nexia dons” русумли автомашина, бошланғич баҳоси – 34 215 000 сўм ҳамда савдо ташкилоти “Regionlarog mulk markazi” МЧЖ, деб ўқилсин.

Тарихи узун Калта минор

Меҳрибон ТИЛЛАЕВА,
"O'zbekiston bunyodkori" мухбири.

Хива шаҳрида Ичан қалъага кўрқ бағишлаб турган Калта минор деб аталувчи меъморий обида бор. Қадимий шаҳарни ушбу минорасиз тасаввур қилиш қийин.

Унинг ҳашамдор кўриниши, иншоотга беқиёс жозиба бағишлаб турган нақшинкор ганчлари кишини ҳайратга солади. Афсуски, унинг қурилиши охиригача етказилмай чала ташлаб кетилгани ҳақида кўплаб афсоналар бор. Ривоят қилишларича, 1853 йилда Хива хони Муҳаммад Аминхон минорани қурдира бошлаган. У қурувчи устага: "Шундай минора кўрки, баландлиги 100 метрдан ошсин, ганчлари қуёш нурида рангини йўқотмасин, гўзаллиги, ҳашамдорлиги билан учта хонликда ягона бўлсин. Мендан бошқа бирор хон бундай минора қуришга мушарраф бўлмасин. Минора битганидан сўнг бошигидан тилло сочаман", деган экан.

Уста хоннинг буйруғига кўра, ишга киришди. Минора пойдевориغا мустаҳкам сўс яратилади. Кундан-кунга иншоот юксалиб, гўзал кўринишга эга бўла бошлади. Қурилишни кузатганлар беихтиёр ҳайратга тушарди. Шу даврда хон Шимолий Эронга юриш бошлади. Бу пайтда миноранинг баландлиги 20 метрга етиб қолган эди. Устанинг атрофига йиғилган истеъдодсиз ва ғаразғўй кимсалардан бири шундай дейди:

- Тез ишлаб, ўз ўлимингни яқинлаштириясан. Хонимиз минора битганидан сўс сени қатл қилдирмакчи.
- Нега? - дея сўрайди, уста ҳайрон бўлиб.
- Минора битганидан сўнг кўшни хонлардан бири сени хонимиздан ўз юртига жўнатишини сўрабди. У ҳам баланд минора қурдириш ниятида экан, хонимизга бу тақлиф ёқмади. Чунки у ўзининг минораси ягона бўлишини истайди. Шунинг учун ўзининг хос одамларига минора битган, устани йўқ қиласизлар, деб буйруқ берган, - деган жавобни олибди.



Бу гаплар устани ўйга толдиради. Наҳотки, истеъдоди, меҳнати учун ўлимга маҳкум этилса? Хуллас, уста миноранинг тепасида туриб, ўзига қанот ясайди ва хоннинг урушдан келишини кутмасдан, чала қурилган минорани ташлаб узоқларга учиб кетади.

Баъзи манбаларда эса хон қурилиш битмасдан, уни минорадан ташлаб юборгани айтади. Яна шу сингари бошқа афсоналар ҳам бор...

Тарихий манбаларга кўра, жангда ҳалок бўлган Муҳаммад Аминхон вафотидан сўнг, Абдуллахон тахтга ўтиради ва минора қурилиши тўхтаб қолади. Ушбу афсонавий миноранинг диаметри 14,5 метр, баландлиги 29 метрни ташкил қилади. У кесик конус шаклида қурилган бўлиб, агар чала қолмаганда, баландлиги 100 метрга етарди. Не ажабки, нақшинкор кошчиларига

вақт ва қуёш нури асло таъсир кўрсата олмаган. Тарихчиларнинг фикрига кўра, Муҳаммад Аминхон вафотидан кейин Абдуллахон усталарга ишни тўхтатишни буюрган, деган қарашлар бор. Унинг қарорини ёнидаги мулозимлари ҳам маъқуллаган. Шу тариқа Муҳаммад Аминхон бошлаган иш чала қолган.

Ҳасад туфайли бу оламда нималар юз бермайди дейсиз?! Калта минор бунга яққол мисол, дейишда ёши улўғлар. Ҳа, битмай қолган минора ҳақида фикрлар, ривоят ва афсоналар кўп. У гарчи, калта бўлса ҳам, тарихи анча узундир. Битмаган ҳолида ҳам асрлар қарига кўрқ бериб турибди. Аждодларимиздан мерос бўлиб келаётган Калта минор, Тиллақорилар, Кўкалдош Минораи Калонлар... Уларнинг ҳар бир фишги ҳам юксак маънавият ва маърифат нурларини сочиб турибди.

Наманганда янги корхона иш бошлади



Наманган вилоятидаги "Art Soft holding" компанияси қошида янги "Flat Tile" бренди остидаги маъсулияти чекланган жамият иш бошлади.



Корхона кафель-керамика маҳсулотлари ишлаб чиқаришга итисослашган. Янги лойиҳа учун 73 миллиард ташаббускорнинг ўз маблағи ҳамда 52 миллиард банк кредити, жами 125 миллиард сўм маблағ сарфланди. Маҳсулот ишлаб чиқариш қуввати йилга 35 миллиард сўмни ташкил этади.

Лойиҳанинг ишга туширилиши натижасида 200 та янги иш ўрни яратилди. Бу ерда тайёрланадиган маҳсулотларни маҳаллий бозордан ташқари, Қирғизистон, Тожикистон ва Қозоғистон давлатларига экспорт қилиш кўзда тутилган. Янги корхона очилиши муносабати билан ташкил этилган маросимда вилоят ҳокими Шавкат Абдуразақов иштирок этди.

Тошлардаги сирли синоат

Ҳилола ИСМАТОВА,
"O'zbekiston bunyodkori" мухбири.

Ер юзидан инсонни ҳайратга солувчи мўъжизалар кўп. Шулардан бири Қизилқумдаги "Тошўрмон" деб аталувчи ноёб палеонтологик музей-қўриқхонадир. Бу ердан тош қотган дарахтлар, тошга айланган мева қолдиқлари, ҳайвонларнинг суяги ёки кўринишини эслатувчи қаттиқ жисмлар, чиганокларни топшиш мумкин.



Навоий вилоятининг Учқудуқ шаҳарчасидан 130 километр олдидан, Қизилқум чўлининг "Жирақудуқ" дарасида жойлашган мазкур ноёб ёдгорлик бундан 100 миллион йил аввал мавжуд бўлган Тетис денгизи қирғоқлари ва унга тушган метеоритлар билан боғлиқ, деган тахминлар мавжуд. Айтишларича, коинотдан метеоритлар учиб келиб тушиши натижасида денгиз суви парчаланиб, бу ерлар юз йиллар давомида қуёш нуридан панада - чанг-тўзон гирдобиди қолади. Ва барча физик жинслар кимёвий тарзда қоришиб денгиз атрофидаги ўрмонзорлар, сувда ва қуруқликда яшаган ҳайвонлар ўзга бир шаклга айланади. Ҳақиқатан ҳам бу жойда бўлган киши тарихий-табиий манзарани кўриши мумкин. Буларнинг барчаси Қизилқум ҳудуди қачонлардир океаннинг бир бўлағи бўлганлигидан далолат беради.

Вилоят "Жонли табиат" биоэкологик маркази томонидан "Тошўр-

мон"га ташкил этилган экомедиотур сабаб мўъжизавий маконни кўришга муваффақ бўлди. Тош ўрмон салтанати узоқданоқ қум уюмлари орасидан жозибадор бўлиб кўзга ташланади. Гўё бошқа бир сайёрага ўхшарди. Медиатур қатнашчилари тошга айланган қотган маконни тезроқ кўришга ошиқар, йўл кўрсатувчи чўпон йигит уст-ма-уст ёғилаётган саволларнинг қай бирига жавоб беришни билмай шовшиб қолган эди. Тошўрмондан анча узоқликда жойлашган овуларда илқиччилик билан суғулла наётган яккам-дуккам чўпон оилаларини учратиш мумкин.

Машина бориб тўхтаган жойдан ҳар ер, ҳар ерда ҳосил бўлган тепаликларда тошга айланган жисмлар қалашиб ётибди. Ҳақиқатдан ҳам орадан миллион йиллар ўтган бўлишига қарамай, қумли тоғларда бу ер денгиз бўлганини билдирувчи тўқинларнинг изи сақланиб қолган. Яёв юриб тошларга қараб

борарканмиз, тошга айланган дарахт қолдиқлари, балик ва чиганоклар кўзга ташланди. Айрим қориларнинг нима эканлигини ҳам билиб бўлмайдди, фақат қучли яшиндан қолган куйинди излари кўринади.

Археолог олимлар томонидан олиб борилган изланишлар туфайли топилган суяклар денгиз жониворларига тегишли эканлиги маълум бўлган. Қолаверса, бутунги кунда ҳам худудда тош қотган чиганоклар, дарахт танаси ва ҳатто, меваларини ҳам учратиш мумкин. Олимларнинг таъкидлашича, "Тошўрмон"да ёнғоқ, бодом, жийда, шафтоли, олча ва шунга ўхшаш дарахтлар ўсганини исботловчи далиллар бор. Зарафшон шаҳридаги музейда ҳам унга оид кўплаб экспонатлар сақланади. Космос билан боғланган бу тарих бўлақлари ҳалигача сирлилигича қолмоқда ва у ноёб ҳодисанинг исботидир.

Яшил майдон кимнинг кимлигини кўрсатди

Нурбек АБДУЛЛАЕВ,
"O'zbekiston bunyodkori" мухбири.

Спорт - инсонни ҳар томонлама чиниқтиради. Наманган вилояти қурилиш бош бошқармасида ҳам бу масалага жиддий эътибор қаратилмоқда.

Наврўз байрами муносабати билан бошқарма бошлиғи кубоги учун ўтказилган мини-футбол бўйича турнир ҳам тизимдаги ташкилотлар

жамоаларида катта қизиқиш уйғотди. Унда 16 та жамоа иштирок этди. Қизғин кечган баҳсларда Наманган шаҳар қурилиш бўлимининг 1-жамоаси совринга асосий даъвогар бўлди.

Пухта тайёргарлик кўрганлар сирасига Мингбулоқ тумани қурилиш бўлими жамоасини ҳам киритиш мумкин. Улар биринчи ўинда норинлик ҳамкасблари устидан ғалаба қозонишди. Кейин эса бош бошқарма жамоаси ҳам мағлубиятни тан олди (5:1). Тўғри, Чортоқ ва Косонсой тумани қурилиш бўлимлари жамоалари ҳам ярим финалга чиқишди. Бироқ, улар мазкур босқичда имкониятларни бой беришди.

Финалда Наманган шаҳар ва Мингбулоқ тумани қурилиш бўлимлари футболчилари тўқнаш келишди. Ўйин кескин ва қизиқарли ҳужумлар билан томошабинларда катта таассурот қолдирди. Учрашувнинг асосий қисми мингбулоқликларнинг устунилигида ўтди. Пировадда, ўйин тизгинини қўлга олган рақиб кетма-кет ҳужумлар уюштириб, ютқини олиб кетди ва Наманган шаҳар қурилиш бўлимининг 1-жамоаси бош бошқарма бошлигининг кубогини қўлга киритди. Учинчи ўрин учун бўлган баҳсда эса чортоқликлар косонсойликларни 5:1 ҳисобиди мағлуб этишди.

Туғилган кунингиз муборак бўлсин!



Март ойининг шу кунларига таваллуд айёмларини нишонлаётган

Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлиги етакчи мутахассиси **Улғубек Раҳимов**, Қурилиш соҳасида ҳудудий назорат инспекцияси бош инспектори **Баҳодир Юлдашев**, раҳбар котибаси **Машкура Абдуллаева**, "Шаҳарсозлик ҳужжатлари экспертизаси" ДУК етакчи мутахассиси **Раҳим Худойбердиев**,

Андижон вилояти, Шаҳрихон тумани қурилиш бўлими Объектларни жойлаштириш ва бош режаларни амалга ошириш масалалари бўйича архитектори **Фазлиддин Алимов**, Хонобод шаҳар-туман қурилиш бўлими бош архитектор **Баҳодир Джоробеов**, Объектларни жойлаштириш ва бош режаларни амалга ошириш масалалари бўйича архитектори **Миркомил Ниязбеков**, "Шаҳарсозлик ҳужжатлари экспертизаси" ДУК Андижон вилояти филиали етакчи мутахассиси **Сорабону Умматалиева**,

Бухоро вилояти Қурилиш соҳасида ҳудудий назорат инспекцияси лабораторияси бош мутахассиси **Умиджон Шокиров**, Жиззах вилояти Қурилиш соҳасида ҳудудий назорат инспекцияси бош мутахассиси **Жасур Эрматов**,

Қашқадарё вилояти қурилиш бош бошқармаси хўжалик мудри **Нилуфар Ахатов**, ҳайдовчи **Ғайрат Тошев**, Қурилиш соҳасида ҳудудий назорат инспекцияси бош юристконсулти **Шермат Раҳмонов**, бош инспектори **Олимжон Турполов**, Қорақалпоғистон Республикаси Қурилиш соҳасида ҳудудий назорат инспекцияси лаборанти **Сардор Камалов**,

Наманган вилояти Чортоқ тумани қурилиш бўлими бошлиғи **Оқилжон Соттибоев**, Қурилиш соҳасида ҳудудий назорат инспекцияси етакчи инспектори **Зокиржон Абдухалилов**,

"Шаҳарсозлик ҳужжатлари экспертизаси" ДУК Самарқанд вилояти филиали бошлиғи **Шокир Илмуратов**, бош мутахассиси **Илҳом Ҳошимов**, Сирдарё вилояти қурилиш бош бошқармаси бошлиғи **Азиз Худойназаров**, "Шаҳарсозлик ҳужжатлари экспертизаси" ДУК Сурхондарё вилояти филиали етакчи мутахассиси **Жуманазар Гулбоев**,

Тошкент вилояти Қурилиш соҳасида ҳудудий назорат инспекцияси ҳайдовчиси **Рашат Кариев**,

Тошкент шаҳар Қурилиш соҳасида ҳудудий назорат инспекцияси бош инспекторлари **Руфат Жабборов**, **Бобиржон Мусаев**, **Баҳодир Саматов**, "Шаҳарсозлик ҳужжатлари экспертизаси" ДУК Тошкент шаҳар филиали бошлиғи **Бобур Шобўтаев**, Фарғона вилояти қурилиш бош бошқармаси бошлиғи ўринбосари - вилоят бош архитектори **Баҳодир Хўжаматов**,

Хоразм вилояти Тупроққалъа тумани қурилиш бўлими Шаҳарсозлик қонунчилигида ривож қилиниши назорати бўйича архитектор **Темур Азодов**, Қурилиш соҳасида ҳудудий назорат инспекцияси етакчи инспектори **Рустам Машарипов**, лаборант-техник **Жанона Исмоилова**, Хоразм вилояти қурилишда танлов савдоларини ташкил этиш консалтинг маркази мутахассиси **Райҳон Бекчановаларни** чин дилдан муборакбод этамиз.

Уларга сиҳат-саломатлик, узоқ умр, оилавий хотиржамлик, фойз-барак, мустаҳкам соғлиқ тилаймиз!



Таҳрир хайъати:
Батир Закиров (Таҳрир хайъати раиси),
Козим Туляганов, Эркин Исқандаров,
Ботир Зарипов, Юлдаш Магруппов,
Жамшид Исмаилов, Фолибжон Маджидов, Қудратбек Хошимбеков.

Таҳририят:
Бош муҳаррир **Дилшод Жалолов**
Бош муҳаррир ўринбосари **Абдусами Ҳақбердиев**
Саҳифаловчи **Акмал Маккамов**
Мусаххич **Райҳон Таниқуллова**

Газета «Ўзбекистон бунёдкори» Наширёт уйи МЧЖ томонидан нашрга тайёрланди.

**«Ўзбекистон бунёдкори»
Наширёт уйи МЧЖ муассислари:**
Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлиги,
«Узсанотқурилишматериаллари» уюшмаси,
«ЎзГАСҲКЛИТИ» ДУК,
«ЎзШаҳарсозликЛИТИ» ДУК,
«Қишлоқ қурилиш инвест» ИК МЧЖ,
«ЎзгеорангметЛИТИ» ДУК.

Таҳририят манзили:
100011, Тошкент шаҳри, Абай кўчаси, 6-уй.
Телефонлар: 71-244-21-71 (кабулхона),
71-244-15-13 (котибият),
71-244-22-10 (бухгалтерия),
71-244-15-05 (реклама ва обуна бўлими).
E-mail: uzbyunyodkori@umail.uz

Вилоят мухбирлари телефон рақамлари:
Қорақалпоғистон Республикаси: 90-590-37-15.
Андижон вилояти: 93-410-15-18.
Бухоро вилояти: 99-705-50-15
Жиззах вилояти: 99-525-30-05.
Навоий вилояти: 99-731-17-40.
Наманган вилояти: 90-553-02-34.
Самарқанд вилояти: 95-560-30-45.
Сурхондарё вилояти: 91-981-61-63.
Фарғона вилояти: 90-230-85-23, 90-163-63-82.
Қашқадарё вилояти: 99-503-43-39.
Хоразм вилояти: 97-459-74-85.

Газета 2016 йил 25 июлда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0874-рақам билан рўйхатга олинган.

Нашр индекси - 466. Буюртма - Г343.
2674 нускада босилди. Қўғоз бичими А-2.
Ҳажми - 2 табоқ, офсет усулида босилган. Баҳрси келишилган нарҳда. ISSN 2181-8762. Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайдди.
Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди. Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига «Шарқ» наширёт-матбаа акциядорлик компанияси маъсул.

Корхона манзили:
Тошкент шаҳри, «Буёқ Турон» кўчаси, 41.
Навбатчи муҳаррир - А. Ҳақбердиев.
Навбатчи - Н. Хайруллаева.

ЎзА якуни - 22.10. Топширилди - 23.40.